O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 10 август, № 154 (4053) Пайшанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 август куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Ричард Баучерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу учрашув ўзаро муносабатларга доир муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, шунингдек, барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тарафдоридир. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ташқи сиёсат ҳам аввало ана шу тамойилга асосланади. Шу боис Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп қиррали алоқаларнинг изчил ривожланишида ўзаро англашув ва ҳурмат мавжудлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ричард Баучер кўп йиллар давомида қатор етакчи дипломатик лавозимларда меҳнат қилган таниқли сиёсатчи. У айни пайтда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси.

Ташриф дастурига мувофиқ Р.Баучер Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Оқсаройда ўтган учрашувда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди ҳамда икки томонлама манфаатли муносабатларнинг истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Суҳбат чоғида, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳамжиҳатлик ва тинч йўл билан ҳал этишнинг муҳимлиги таъкидланди.

(ЎзА).

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Тўёна

Халқаро Амир Темур жамғармасида Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига тайёргарлик доирасида жамғарма Илмий кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» УЧ ТИЛДА

Йиғилишни жамғарма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али олиб борди. Унда жамғармада қутлуғ санага бағишлаб қилинган ва қилинажак ишлар ҳақида қисқача ахборот бериб ўтилди. Сўнг юбилейга атаб Амир Темур қаламига мансуб «Темур тузуклари» асарининг уч тилда — ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилиши масаласи кўриб чиқилди.

«Темур тузуклари»ни ноёб нашр сифатида амалга ошириш мўлжалланмоқда. У рангли-безакли қилиб тайёрланади. Китобда буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод миниатюралари, Амир Темур даврига оид расмлардан намуналар берилади. Ундан мазкур асарнинг 1783 йилда Буюк Британиянинг Оксфорд шаҳрида нашр этилган илк инглизча таржимасидан парчалар, киши номлари, жой номлари, атамалардан иборат кўрсаткичлар, буюк саркарда қўшинлари тартиби акс этган саҳифалар, Амир Темур ва темурийлар шажараси, асарнинг ўрганилиш тарихи чизмаси, сўз боши ва «Тузуклар» тарихига оид мақола жой олади.

— «Темур тузуклари» тарихимизни жаҳонга кўз-кўз қиладиган нодир ёдгорликлардан ҳисобланади, — деди йиғилишда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов. — Унинг уч тилда, яъни ўзбек, рус, инглиз тилларида яхлит китоб ҳолида нашр этилиши маданий ҳаётимизда катта воқеадир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров: Ушбу нашр тарихимизни намоён этишда катта имкониятлар яратади, — деди. — Унинг воситасида бошқа халқлар ҳам тарихимизни яхшироқ биладилар ва теран англаб етадилар».

Атоқли тарихшунос олимлар Дилором Юсупова, Убайдулла Уватов, Омонулла Бўриев ва Ҳабибулла Кароматовлар ўз сўзларида чиндан ҳам, нашрнинг жуда ноёб эканлигини айтдилар.

Ушбу нодир нашр Амир Темур бобокалонимизнинг 670 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлиши шак-шубҳасиздир.

М.САФАРОВ.

Хушхабар

Халқимизнинг миллий қадрияти — курашимиз ўз жозибаси, ҳалоллиги билан дунё халқларини ўзига жалб этишда давом этмоқда.

Францияда ўзбек кураши

Куни кеча Франциянинг Баенне шаҳрида ўзбек кураши бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Франция, Испания, Португалия, Арманистон, Грузия, АҚШ, Бразилия, Чили, Жазоир, Марокаш, Сенегал, Филиппин, Ўзбекистон каби йигирмага яқин мамлакат вакиллари ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Мазкур мусобақада полвонларимиз муваффақиятли иштирок этдилар. Фахрийлар ўртасидаги баҳсларда гиламга чиққан Олимжон Ҳайитов ўз вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, ҳамюртларимиздан Баҳриддин Холмўминов, Зариф Бозоровлар ҳам ўз вазн тоифаларида совриндорлар сафидан жой олишди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин ўзбекистонлик полвонларга насиб этди. Испания курашчиларига иккинчи, франциялик полвонларга учинчи ўрин насиб этди.

Мусобақа тафсилотлари Францияда чоп этиладиган нуфузли нашрларда ёритиб борилди. Шунингдек, чемпионат доирасида қум кураши бўйича ҳам мусобақалар ўтказилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Августдаги зарбдор меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

ПАРВАРИШНИНГ НОЗИК ПАЛЛАСИ

— Ғўза ҳосилга киргандан кейин олиб борилган парвариш кўсакнинг йирик, чигитнинг тўқ, толанинг эса пишиқ бўлишига хизмат қилади, — дейди Дўстлик туманидаги "Эшибобо" фермер хўжалиги раҳбари, тажрибали пахтакор Наҳалбой Қаҳҳоров. — Қолаверса, чаноқларнинг эрта очилишини ҳам таъминлайди. Аслида асад ойида олиб борилади ган юмушларнинг асосий мақсади ҳам шунга қаратилган.

Жорий йилда 27,2 гектар ерда пахта етиштираётган фермер даласини айланамиз. Деҳқонлар майдонларга 8-9 мартадан ишлов бериб улгуришибди. Ҳозир ғўза тупида 10-12 тагача кўсак бор. Наҳалбой аканинг айтишича, агар шу ойга мўлжалланган агротехник тадбирлар белгиланган меъёр асосида олиб борилса, кўсаклар сони яна 6-7 тага кўпаяди. Табиийки, ҳосил салмоғи ҳам ортади. Айни пайтда жамоа аъзолари ғўзани шарбат усулида суғоришаяпти. Шу билан бирга, чилпиш тадбири ҳам якунига етказилди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳозирда мамлакатимиз далаларида ғўза парвариши айни авжида. Зеро, уюлажак ҳосил тақдири кўп жиҳатдан мана шу даврда қилинган саъй-ҳаракатга боғлиқ.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Й.Охунбобоев номли ширкат хўжалиги далаларидамиз. Ўқарикдан жилдираб эгатларга оқаётган сув офтобда ярқирайди. Ғўзаларда шиғил-шиғил кўсаклар. Ҳар тупда 10 тадан 15 тагача кўсак бор. Улардан 1-3 таси очила бошлаган ҳам.

— Жамоамиз аъзолари жорий йилда 1000 гектар майдонда ғўза парваришламоқда, — дейди хўжалик бош агрономи Бектурғун Абдулҳайиров. — Айни пайтда ғўзаларни обдон сувга қондираяпмиз. Зараркунандаларга қарши биологик усулда кураш, чилпиш, экинларни бегона ўтлардан тозалаш каби агротехник тадбирлар ҳам оби-тобида олиб борилаяпти. Сентябрь ойининг бошларида ғўза барглари сунъий тўқтира бошлаймиз. Бунинг учун зарур техникалар ҳозирлаб қўйилди. Бир сўз билан айтганда, яратилажак 2660 тонналик "оқ олтин" хирмони учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

СУРАТЛАРДА: хўжалик бош агрономи Бектурғун Абдулҳайиров экинлар ҳолатини кузатмоқда: ғубордан холи далалар.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ тўйига саноқли кунлар қолди. 1 сентябрь — гўзал диёримизда истиқомат қилаётган ҳар бир киши учун қувончли кун. Бу байрам ортга назар солиб, эришилган ютуқларни кўз-кўз қилиб, келажакка ёруғ ишонч ила боқишга яна бир карра имкониятдир.

Қадри юксак тантана

Тўйни муносиб қарши олиш учун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам катта тараддуд кўрмоқда. Ташкилотнинг Тошкент шаҳар бўлими кенгаши томонидан ўтказилаётган "15 — Бизнинг байрам" лойиҳаси борасида кўплаб тадбирлар, ҳашарлар уюштирилиши айни муддао бўлаётир.

— Ўтказилаётган учрашув, маънавий ва маданий тадбирларда байрам шукуҳи ўз аксини топмоқда, — дейди Чилонзор туман "Камалак" болалар ташкилоти раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Ҳар бир йўналишдаги дастурдан кўзланган мақсад ёшларни Ватанни севишга, тинчликнинг қадрига етишга ўргатишни кучайтиришдир.

Бундан ташқари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан интернет тармоғида "www.15.uz" номли сайт ишга туширилди. Унда "Юртимиз рамзлари", "Дўстлик карвони", "Юлдузлар ташрифи", "Хотира мангу", "Обод шаҳрим" бўлимлари орқали "Камолот" хабарлари, истиқлолнинг 15 йиллиги арафасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар, ёшлар учун қизиқарли маълумотлар ёритиб борилади. Мазкур электрон тармоқ рейтинги ҳозирданоқ 22-ўринга кўтарилиб олди. Сайтга ўқувчи ва талабалар катта қизиқиш билан қарашмоқда.

Шоира БОЙМУРОДОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Император кубоги топширилди

Ўтган йили Японияннинг Аичи шаҳрида ўтказилган «Доно табиат» ЭКСПО АИЧИ—2005 бутунжаҳон кўргазмасида Ўзбекистон экспозицияси муваффақиятли иштирок этган эди. Шуни ҳисобга олиб Япония Императори жаноби олийлари мамлакатимиз делегацияси раҳбари, ЎзЭКСПОмарказ директорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Ирматовни кумуш кубок билан тақдирлаганди.

Кеча Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонасида ушбу мукофотни топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Япония Императори жаноби олийларининг кумуш кубогини Бахтиёр Ирматовга Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото топширди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазири Э. Ғаниев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

Энг яхши соҳибкор фермер танлови

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан мева-сабзавот ва узумчилик, шунингдек, қайта ишловчи корхоналар фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг жорий йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори соҳани ривожлантириш, маҳсулот сифати ва қўламини ошириш ҳамда қайта ишлаш корхоналарини модернизациялашда муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида "Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси томонидан минтақавий семинарлар ташкил этилиб, уларда хомашё етиштирувчилар ва қайта ишловчилар ўртасидаги ҳамкорлик, ютуқ ва муаммолар, устувор вазифалар муҳокама этилмоқда. Жумладан, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Хоразм вилоятлари учун ташкил этилган семинарда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, мавсумда сифатли хомашё қабул қилиш ва вино ишлаб чиқариш соҳасидаги муаммолар хусусида фикр алмашилди. Таъкидландики, тизимда қайта ишлаш корхоналари сонининг ортаётгани, узум хомашёсига бўлган талабни янада оширмоқда. Мисол учун, ўтган йили 55,2 минг тонна узум қайта ишланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич, 125,3 минг тоннага етиши кутилмоқда.

Семинарда "Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси томонидан "Энг яхши узумчиликка ихтисослашган фермер" ва турли рағбатлантирувчи номинациялар бўйича танлов эълон қилинди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ, Халқ сўзи" мухбири.

Навбатдаги сонларда

ОЛИМП ЧЎҚҚИСИДА ЎЗБЕК БАЙРОҒИ

СУВДАН ҚУРУҚ ЧИҚҚАНЛАР

Журналист таҳлили

Диққат, янгилик!

ОЛТИНСОЙДА ЗАЙТУН ГУЛЛАДИ

ИСТИҚЛОЛ МАНЗИЛЛАРИ

Қашқадарё вилояти



Одамлари танти, тупроғи хазина

Қашқадарё воҳасининг нақадар катта тарихий ва маданий меросга эга экани, унинг бетакрор ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида гапиришимиз бугун албатта ўринлидир.

Лекин мендан бу юртнинг энг ҳақиқий бойлиги ҳақида сўраса, ҳеч иккиланмасдан, Яратганнинг назари тушган бу юртнинг асосий бойлиги мана шу заминда яшаётган бағрикенг, мард ва ориятли, кўп-кўп қийинчилик ва синовларда тобланган, яхшиликни ҳеч қачон унутмайдиган Қашқадарё эли ва халқи деб жавоб берган бўлар эдим.

Ислом КАРИМОВ

Вилоятимиз ҳудуди пурвиқор Ҳисор тоғларидан бошланиб, қум барханлари кўчиб юрадиган бепоён чўлларга туташиб кетган. Унинг табиати ҳам ранг-баранг. Саратонда бир кун кезсангиз, жазирама иссиқни ҳам, шарқираб сув оқаётган соя-салқин гўшаларни ҳам, кундузи эриб, кечаси яна яхлайдиган музликларни ҳам кўрасиз.

Қашқадарёликлар бу юртнинг тоғлари билан фахрланиб, чўлларини кўзига тўтиё қилиб яшайдилар.

Вилоятимиз деҳқонлари йилдан-йилга ҳосилдорликни ошириб, юқори натижаларга эришиб келмоқдалар. Агар ўтган йил якунларини таҳлил қиладиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бераётганлигининг гувоҳи бўламиз. 2005 йилда 878 минг тоннага яқин дон ишлаб чиқарилиб, унинг 344,8 минг тоннаси давлатга сотилди. 476 минг тоннадан зиёд юқори навли пахта етиштирилди.

Ҳозир ишнинг натижасига қанча фойда олинганлигига қараб баҳо берилишини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам умумий даромадни бир четга қўйиб, соф фойда ҳақида фикр юритайлик. Ўтган йили вилоят деҳқонларининг пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа соҳалардан олган соф фойдаси 76 миллиард сўмни ташкил этди. Фермер хўжаликларида 1 гектардан олинган даромад 545 минг сўмга, деҳқон хўжаликларида 1 сотихдан олинган даромад 51 минг сўмга етди.

Хўш, бунга қандай эришилди?

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб иқтисодий ўзгаришлар муваффақиятларнинг бош омили бўлди. Ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнига фермер ва деҳқон хўжаликлари тузилганлиги, ерлар эгасини топганлиги, деҳқон ўз меҳнати самарасидан тўлиқ баҳраманд бўлаётганлиги туфайли воҳа ерлари барака булоғига айланмоқда. Ўтган йили ишлаб чиқарилган доннинг 80 фоизи, пахтанинг 79 фоизи фермерлар улушига тўғри келган эди. Бу йил фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳиссаси янада кўпроқ бўлиши шубҳасиз. Чунки йил бошида яна 40 га яқин ширкат хўжалиги тугатилиб, ер фермерларга бўлиб берилди.

Ўзим деҳқон бўлганлигим учун ҳам қишлоқ хўжалиги ҳақида батафсилроқ гапираяпман. Бу ерда бутун авлод-аждоди деҳқон ўтган сулолалар бор. Бизнинг оиламиз ҳам шулардан бири. Отам Ҳакимхон Усмонов қовунчилик билан бутун мамлакатимизга танилди. Полизларимизда 70 хил қовун нави экилади. Улардан 6 тасини отамнинг ўзи яратган. Ёши 80 га етган бўлса-да, ҳозир ҳам қовунчиликни ривожлантириш, тилими тилни ёрадиган янги қовун навларини яратиш билан шуғулланиб келаяпти.

Шу ўринда оиламиз ҳаётида унутилмас бўлиб қолган муҳим бир воқеа тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Президентимиз Ислом Каримов вилоятимизда раҳбар бўлган йилларда бир куни отам меҳнат қилаётган қовун пайкалларида ҳам бўлган эканлар. Отам яратган навлар, Қашқадарё вилоятида мавжуд қовун-тарвуз навлари, умуман полизчиликни ривожлантириш масалалари билан обдон қизиққанлар. Вилоятда қовун сайилларини ташкил этиш, қовун сайли натижаларига кўра энг моҳир миришкорларни мукофотлаш вилоятимизда яхши анъаналардан бўлиб қолди.

2003 йилда фермер бўлдим. Ўз тажрибамдан шуни англадимки, фермернинг ерга муносабати ўзгача бўларкан. 40 гектар ерим бор. Бу йил 10 гектарига ғалла, 30 гектарига пахта экканман. Ғалла ҳосилини йиғиштириб олдик. Хирмон чакки бўлмади. Ҳар гектаридан 65 центнердан дон олдик. Шартнома мажбуриятини ҳам ошириб бажардик, ишчиларимизга бир йилга етадиган ғалла тарқатиб бердик, қолгани ўзимизники. Фермер бўлиб чўнтагимиз пул кўрди, омборимиз донга тўлди. Шундай пайтларда Президентимизнинг фермерликни ривожлантириш тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз, «Деҳқон бой бўлса, мамлакат бой бўлади», деган пурҳикмат сўзлари ҳаётимизда ўз тасдиғини топмоқда.

Ҳозирги кунда ўтган йили қувончли бир воқеа содир бўлди: энергетика гиганти — Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ишга тушди. Собиқ шўролар тузуми даврида қурилиши бошланган бу улкан иншоот мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларини электр энергияси билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эди. Шунга қарамасдан унинг қурилиши роса чўзилди. Фақат мустақиллик йилларида бу нур манбаини ишга туширишга чинакамига киришилди. Бир кечакундузда 16-17 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқараётган бу станция мамлакатимизнинг энергетика мустақиллигини таъминлаши билан бирга унинг қандай буюк ишларга қодирлигини кўрсатувчи ёрқин мисол ҳам бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётдаги улкан ўзгаришлар ижтимоий соҳани ривожлантириш учун катта имкониятлар яратиб бермоқда. Буни таълим тизимидаги ўзгаришларда яққол кўришимиз мумкин. Юртбошимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш жараёнида мактабларнинг қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Дастурга мувофиқ вилоятимизда 115 та янги мактаб қурилиши, 549 та мактаб реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланиши керак. Вилоятимизда бу вазифаларни муддатидан олдин адо этиш учун барча чоралар кўрилаяпти. Фақат ўтган йилнинг ўзида 22 та янги мактаб қурилиб, ишга туширилди. Улардан биттаси бизнинг қишлоғимизда эканлигини, ўқувчиларга пухта билим бериш учун барча шароитлар яратилган бу янги мактабда деҳқон ва фермерларнинг болалари фан сирларини эгаллашаётганлигини таъкидлашни истардим.

Узлуксиз таълим тизимида касб-ҳунар коллежларининг муносиб ўрни бор. Ҳозир вилоятда 69 та коллеж фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 66 таси замонавий услубда қурилган янги биноларда жойлашган. Уларда ёшларнинг касб эгаллашлари учун барча шароит муҳайё. Бир фарзандим коллежни битирди, иккинчиси ўқияпти. Шунинг учун ҳам бу ғалларни ўз тажрибамдан келиб чиқиб, айтаяпман. Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Бугун коллежда мавжуд бўлган имкониятларни биз олий ўқув юртида ҳам кўрмаганмиз.

Соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган натижалар ҳам қувонарли. Мустақиллик йилларида вилоятда ихтисослашган даволаш марказлари тизими вужудга кела бошлади. Саломатлик, акушерлик-гинекология институтларининг филиаллари ишлаб турибди. Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг вилоят филиали ва унинг барча туманлардаги бўлинмалари аҳоли соғлиғи муҳофазасида турибди. Кечагина ишга тушган вилоят Кардиология маркази, фойдаланишга тайёр турган Урология маркази тиббиёт тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Вилоятда қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган кенг миқёсли тадбирлар амалга оширилди. Кейинги беш йил ичида 48 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Ёш авлоднинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсишида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти катта. Шуни ҳисобга олиб, стадионлар ва спорт майдончалари сонини кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда 79 та стадион, 553 та спорт зали, 41 та теннис корти, 4007 та спорт майдонлари ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Бу соҳада республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир. Биргина ўтган йили жамғарма маблағи ҳисобидан умумий қиймати 1, 250 млн. сўм бўлган спорт иншоотлари қурилди. Шу вақтгача жамғарма асосий маблағни йирик спорт мажмуалари қуришга сарфлаган бўлса, эндиликда мактабларда спорт заллари қуриш ва уларни жиҳозлашга эътибор кучайтирилмоқда.

Мамнуният билан айтмоқчиманки, «Умид ниҳолари-2006» мусобақаларининг республика босқичига вилоятимиз маркази – Қарши шаҳри мезбонлик қилди. Мусобақаларнинг асосий қисми яқинда ишга туширилган Марказий стадион ва «Олимпия заҳиралари» коллежи спорт иншоотларида ўтказилди. 20 минг томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган Марказий стадион, «Олимпия заҳиралари» коллежининг енгил атлетика манежи ва сузиш бассейнига мутахассислар юксак баҳо беришди. Дарҳақиқат, Марказий Осиёда ягона бўлган бу улкан спорт иншоотлари ўзининг бежирим меъморий кўринишлари билан шаҳарнинг ҳуснига ҳусн қўшибгина қолмай, мусобақаларни ўтказишдаги қулайликлари билан спортчиларга жуда ёқиб тушди.

Қашқадарё — соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур таваллуд топган заминдир. Мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан буюк давлат арбоби, соҳибқирон бобомиз, Туронзаминдаги марказлашган қудратли давлатга асос солган бу сиймонинг номи ва оламшумул тарихий фаолияти алоҳида эъзоз топди. Жумладан, Шаҳрисабзда Амир Темур ва темурийлар давридан қолган тарихий ёдгорликлар тўла таъмирланмоқда. Шаҳардаги Оқсарой мажмуаси, Амир Темур хиёбони халқимиз учун табаррук, гавжум зиёратгоҳлардан бўлиб қолди. Умуман, вилоятда Истиқлол даврида миллий ўтмишга муносабат тубдан ўзгарди. Тарихий қадриятлар, улуғ ўтмишдошларимиз хотираси ҳар тарафлама қадр-қиймат топмоқда.

Ҳозир вилоятда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги, Юртбошимизнинг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ шаҳарда жуда катта ҳажмда қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бетон қопланган улкан майдонлар ўрнида ҳамиша ямяшил турадиган хиёбонлар пайдо бўлди, йўллар кенгайтирилиб, бир йўла тўртолти қатор машина юра оладиган кафтдек текис шоҳкўчаларга айлантирилди. Бундан бир неча йил олдин Қаршини кўрган киши бугун уни мутлақ танимайди. Шаҳар ўзининг 2700 йиллигини янада гўзаллашиб, кўркам замонавий қиёфа касб этган ҳолда кутиб олмоқда.

Вилоятимиздаги бундай ўзгаришлар ўз-ўзидан юз бераётгани йўқ. Иқтисодиётда ёки ижтимоий соҳада бўлмасин, бу ўзгаришларга Президентимиз Ислом Каримов вилоятимизга биринчи раҳбар бўлиб ишлаган пайтларида асос солинган эди. Одамлар онгига яратувчилик, бунёдкорлик кайфияти ўша йилларда сингдирилганди. Деҳқончилик соҳасида И.Каримов яратган мактаб бугун ўз самарасини бераяпти. У кишининг бозорлар, йўллар, маданий-маиший бинолар қуриш, осори-атиқаларни таъмирлаш, ободончилик соҳасидаги саъй-ҳаракатлари қашқадарёликларнинг ёдидан сира чиқмайди.

Юртбошимизнинг инсонпарварлиги билан боғлиқ далилларни ҳаётимиздан кўплаб келтиришимиз мумкин. Энг сўнгги қувонарли мисоллардан бири шуки, 2006 йилнинг Президентимиз томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан қишлоқ жойлардаги қанчадан-қанча кам таъминланган оилалар ҳомийлар ёрдамида соғлом, зотдор сигирларга бепул эга бўлдилар. Шу жумладан, Қашқадарё вилоятидан ҳам минглаб кам таъминланган оилалар ана шундай инсонпарварлик эҳсонига эришди. Шунинг учун ҳам халқимиз Президентимизни, давлатимизнинг сиёсатини чин кўнгилдан қўллаб-қувватламоқда. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Бугун Қашқадарё мамлакатимиздаги иқтисодий имкониятлари юқори, истиқболи порлоқ вилоятлардан бири сифатида тан олинмоқда. Бу вилоятимиз аҳлининг ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги самарали меҳнати натижасидир. Мустақиллик йиллари бутун мамлакатимиз сингари бизнинг вилоятимиз учун ҳам чинакам юксалиш, тараққиёт даври сифатида қадрлидир. Мана шу тараққиётда бизнинг ҳам камтарона улушимиз борлигидан ҳамиша фахрланамиз.

Бобон УСМОНОВ,
Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги «Усмонов Бобон» фермер хўжалиги раҳбари,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Суратлар муаллифи: Жамшид НОРҚОБИЛОВ.

Рақамлар сўзласин



• Вилоят ҳудуди 28,6 минг квадрат километрни ташкил этади. Аҳолиси 2419,8 минг кишидан иборат. Вилоят маъмурий-ҳудудий жиҳатдан бир шаҳар ва 13 туманга бўлинган. Бундан ташқари, 13 та туманга бўйсунувчи шаҳарлар бор.

• Вилоятда 70789 та хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган. Шундан 1813 таси саноат, 57156 таси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланади. Хўжалик юритувчи субъектлар таркибида кичик бизнеснинг улуши тобора ортиб бормоқда. Айни вақтда уларнинг сони 67999 тани ташкил этмоқда. Ҳозир фермер хўжаликлари сони 26190 тага, деҳқон хўжаликлари 29438 тага етди.

• Мустақиллик арафасида аҳоли хонадонларининг 28 фоизи газлаштирилган эди. Ҳозир эса бу кўрсаткич 73 фоизга етди.

• Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида хусусий мулкнинг улуши ортиб бормоқда. Ҳозир 6393 акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётир.

• Вилоятда 4645та спорт мажмуаси, 79 та стадион, 553 та спорт зали, 4007 та спорт майдони бор.

• Ҳозирги кунда 1098 та умумтаълим мактаблари, 69 та касб-ҳунар коллежлари мавжуд. Уларда 675,6 минг ўқувчи таълим олмоқда ва 106 йўналиш бўйича касб-ҳунар ўрганмоқда.

• Аҳолига 148 та клуб ва маданият уйлари, 4 та театр ва 465 та оммавий кутубхона хизмат кўрсатмоқда.

• Вилоятда 102 та шифохона бор. Қишлоқ аҳолисига 220 та врачлик пункти хизмат кўрсатмоқда. Фақат кейинги 5 йилда 48 та замонавий ҚВП ишга тушди.

ПАРВАРИШНИНГ НОЗИК ПАЛЛАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Туманда чеканка ишларига 211 та гуруҳ жалб этилиб, улар ёрдамида 20 августга қадар барча фермер хўжаликларида бу тадбирни сифатли қилиб тугаллаш режалаштирилган. Чилпиб бўлинган майдонларни махсус комиссия қабул қилиб олади ва ишнинг сифатига баҳо беради.

Бу йил пахтачиликда сув тақчил бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Дўстлик туманида ҳар сонияда 27-30 куб ўрнига 20-22 куб оби ҳаёт олинаяпти. Шу боис ҳам фермерлар суғоришнинг тежамкор усулидан фойдаланишга, ердаги намликни сақлаб туришга алоҳида эътибор қаратишяпти. Туманда суғориш билан боғлиқ бошқа муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, "Навбаҳор" агрохизмат маркази ҳудудидаги 150-180 гектар ер қўшни Пахтакор тумани орқали келадиган ариқдан суғорилади. Бироқ, ана шу оби ҳаёт етиб келмайди. Вазиятдан чиқиш учун эса экинзорларга асосий каналдан келаётган сув умумий улушдан ёрдамчи насослар орқали чиқарилаяпти.

Яна бир гап. Тажрибалардан аёнки, август ойида зараркунанда ҳашаротларнинг ҳосилга хавфи анча кучаяди. Хусусан, бу даврда кўсак қуртининг тарқалиши кўп кузатилади.

— Шу пайтга қадар мавжуд 9 та хусусий биолабораториялар ёрдамида олтинкўз, трихограмма, габробракон каби фойдали ҳашаротларни кўпайтириб, майдонларга тарқатдик, — дейди биз билан суҳбатда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи У.Турдимуродов. — Самарасини эса кўриб турибсиз. Ғўза беталафот ривожланяпти. Мутахассислар зарарли ҳашаротлар тарқалиши эҳтимоли бўлган майдонларни доимий назоратга олишган.

Саркисов номли агрохизмат маркази ҳудудидаги "Эшниёз бобо" фермер хўжалиги тумандаги йирик, ўзини ўнглаб олган фермер хўжаликларидан бири саналади. Жамоа 245 гектар ерда деҳқончилик қилади. Шундан 154 гектарида пахта етиштирилади. Фермер хўжалиги раҳбари Муртоз Бўтаевнинг касби агроном. Деҳқончиликда кўп йиллик тажрибага эга. Ҳозир унинг даласини айлансангиз, ғўзанинг ҳар тупида ўртача 10-12 тадан тўқ кўсак пайдо бўлганига гувоҳ бўласиз. Бу ҳали чегара дегани эмас.

— Ғўза билан "тиллашмаган" деҳқон мўл ҳосил ололмайди, — дейди яна бир суҳбатдошимиз "Ўрол" фермер хўжалиги раҳбари Мамат Турдиев. — Муртоз кўпни кўрган. Ғўзанинг ҳолатига қараб, дардини айта олади. Шу боис кўпчилик унга маслаҳат сўраб боради, иш ўрганади.

Бугун туманда "Эшниёз бобо", "Ўрол", "Янгиобод", "Иноятилла", "Мамат ота" каби ўнлаб фермер хўжаликлари далаларида ана шундай қизғин меҳнатга гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Тўғри, Дўстликда 19528 гектар пахта майдонининг ҳаммасида ҳам аҳвол кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Афсуски, оз бўлса-да, чанқаган, кўчат сони кам ва аксинча ғовлаб кетган майдонлар ҳам бор. Мисол учун, "Элобод", "Жума", "Баҳор" каби фермер хўжаликлари раҳбарлари асад ойидан унумли фойдаланишмаса, кузда ер чизиб қолишлари тайин.

Бу йил тумандаги 773 фермер хўжалиги давлатга 48800 тонна қимматбаҳо хомашё сотишни режалаштиришган. Йиғим-терим олдидан ўтказиладиган ғўза баргларини сунъий тўктириш тадбири учун ҳам ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўрилди. 57 та "ОВХ" шай ҳолатга келтирилиб, самолётларга буюртма берилди ва улар учун 2 та қўниш жойи тахт қилиб қўйилди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ҳуррият» 9 август.
Миразиз Аъзам
«Турон» янги саройга кўчади!»:

«Яқинда ҳукуматимизнинг «Турон» кутубхонасини бошқа жойга кўчириш ҳақида қарори чиқди. Унга асосан «Шарқ» компаниясига тегишли газеталар корпусининг биринчи бўлмаси «Турон» илмий-универсал кутубхонасини жойлаштириш учун берилди.

Ҳозирги кунда бизга сарой бўлиб хизмат қиладиган бу муаззам жой энг замонавий ашёлар, жовонлар, компьютерлар ва бошқа электрон буюмлар билан жиҳозланмоқда».

«Ишонч» 9 август.
Боир Холмирзаев
«Кўзида кўёш кулган одам»:

«Йигирма беш йил бир саҳнада ижод қилиш ҳар ҳолда устани феъл-атворини яхшигина билишимга имкон яратган, деб ўйлайман. Ташқаридан кузатганлар, устани кўпам меҳр-мурувватли қиёфада кўрмайди. Сўрашсалар ҳам беписанд қўл узатгандай таассурот қолдиради. Ҳамма билан киришиб гаплашмайди. Жини суймаган одамларни умуман ёнига яқин йўлатмайди».

«Туркистон» 9 август.
Шавкат Алланазаров «Оқ дўппи қора ниятлилар ниқобига айланмасин»:

«Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, «оқ дўппи» кийган билан ҳеч ким диндор бўлиб қолмайди. Эзгулик, меҳр-муҳаббат сингари улуғ тушунчалар киши қалбида мавжуд экан, уни турли сифатлар билан намойиш этиш, киши ўзини кўз-кўз қилиши шарт эмас, назаримда».

«Маърифат» 9 август.
Н.Ғуломова «Фикримдан қайтдим»:

«Мактаб директори Хосият Файзиева муаллима ҳақида шундай дейди:

— У ҳар бир масалага мураббий сифатида жиддий ёндашиб, бола қалбининг нозик жиҳатларини тушуниш йўлларини тинимсиз ахтаради. Болаларга доимо энг асқотадиган, зарур бўлган, уларни тўлқинлантирадиган янгиликларни бера олади. Шундан бўлса керак, унга тақлид қиладиган қизларимиз кўп».

«Маҳалла» 9 август.
Мавлуда Қосимова
«Ҳалол таом» реклама сўзи эмас»:

«Шундай экан, айрим тадбиркору ишбилармонларнинг айнан ўзи тайёрлаган егуликнинг ҳалол экани тўғрисида жар солиши инсонларнинг иймонига дахл қилишга тенг хатти-ҳаракат, яъни одамларнинг, ҳатто ўзининг иймонли эканига шубҳа қилишнинг ўзгинаси-ку?»

Музокаралар қизғин ўтмоқда

«Ҳааратз» газетасининг хабар беришича, Исроил армияси Ливан жанубига ҳужумни давом эттирмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, куни кеча сакқиз нафар исроиллик ҳарбий ҳалок бўлган, яна 16 нафари жароҳатланган. Зиддиятлар кучайиб бораётган бир пайтда БМТ Хавфсизлик Кенгашида томонларни муросага келтириш масаласи қизғин муҳокама қилинмоқда.



Халқаро ҳамжамиятдаги Россия вакили Виталий Чуркиннинг маълум қилишича, тез орада Ливан масаласида резолюция қабул қилиниши кутилаяпти, лекин томонларнинг бир келишувга эришуви қийин кечмоқда. Унинг сўзларига қараганда, Хавфсизлик Кенгашида музокаралар қаттиқ босим остида ўтмоқда. Сешанба куни БМТ Бош қароргоҳидан олинган маълумотда айтилишича, резолюция лойиҳаси бугун овозга қўйилиши лозим эди, бироқ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Исроил армиясининг Ливан ҳудудини қачон тарк этиши борасидаги масала ечимини кутишмоқда. Араб давлатлари лигаси исроилликларни зудлик билан Ливандан олиб чиқиб кетилишини талаб қилаяпти. Шундан сўнг Ливан ҳукумати халқаро кучлар кўмагида мазкур ҳудудга 15 минг нафар ўз ҳарбийларини жойлаштирмоқчи.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Прокурорга суиқасд



Доғистонда аксилтеррор операцияси ўтказилгандан сўнг Буйноқ туманлараро прокурори Битар Битаровга суиқасд қилинганди. Кеча прокурор шифохонада вафот этди. Мазкур хуруждан сўнг воқеа жойига мухторият ички ишлари вазири Адилгерей Магомедтагиров жўнатилди. Унинг кортежи ҳам икки маротаба автомат миномётдан ўққа тутилган. Натижада уч нафар милиция ходими жароҳатланган.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари қўлга киритган маълумотларга кўра, иккала суиқасд ҳам битта гуруҳ томонидан уюштирилган. Айни пайтда Буйноқда хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Суиқасд юзасидан жиноий иш очилди.

Шимолий Корея ёрдам сўради

Шимолий Корея июль ойида юз берган сув тошқинлари оқибатларини бартараф этишда ёрдам беришни сўраб, расмий Сеулга мурожаат қилди. Бу ҳақда Сеулда чоп этиладиган газеталар хабар тарқатган. Хабарда айтилишича, расмий Пхеньян қурилиш материаллари, дори-дармон, кийим-кечак ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари юборилишини сўраган.

Ҳозирга қадар табиий офат туфайли қанча одамнинг ёстиғи қуригани маълум эмас. Расмий маълумотларга қараганда, 549 киши қурбон бўлган, 295 киши дом-дараксиз йўқолган. Бироқ, Жанубий Корея нодавлат нотижорат ташкилотларининг билдиришича, ҳалок бўлганлар сони 10 минг нафаргача етиши мумкин.

Ноқонуний рад жавоби

Буюк Британияда чоп этиладиган Times газетасининг хабар тарқатишича, иқтисодий жиҳатдан нисбатан камбағал мамлакатларнинг Бирлашган Қиролликка келишни истовчи минг-минглаб фуқароларига ноқонуний тарзда ва ҳеч бир асосиз равишда виза бериш рад этилмоқда. Газета бу хабарни виза берилишини кузатиб борувчи Фионы Линдсли мустақил кузатувчилар гуруҳи томонидан тайёрланган ҳисоботга асосланиб тарқатди. Мазкур ҳужжатга кўра, сўнгги уч йил мобайнида 46 минг хорижликнинг Англия визасини олиш мақсадида қилган мурожаатлари ноқонуний тарзда рад этилган.

Ҳисоботда айтилишича, Англияда ўқишни хоҳловчи 35,4 фоиз талабанинг мамлакатга киришига рухсат берилмаган.

НАҚД ПУЛМИ? МУАММОСИЗ

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАЁТГАН БАНК

Олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг олға силжишида молия муассасалари ўзига хос ўрин эгаллайди. Буни яхши англаган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Жиззах вилоят бўлими биргина кичик бизнес субъектларини моддий қўллаб-қувватлаш учун жорий йилнинг олти ойи мобайнида жами 1589,1 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратди.

Таъкидлаш жоизки, банк пул муомаласини барқарорлаштириш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги "Банклардаги депозит ҳисобварақларидаги нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқиб, корхона, ташкилот ҳамда хусусий тадбиркорларнинг ҳисобрақамларидаги маблағларни уларнинг биринчи талабиданоқ нақд пул сифатида беришни таъминламоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш тўғрисида"ги ҳамда 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларининг бажарилиши юзасидан ҳам банк жамоаси зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Хусусан, мазкур муассаса хизмат кўрсатаётган ташкилот ва корхоналарда иш ҳақидан қарздор бўлганларининг бу борадаги тўловларини қисқартириш бўйича ижобий натижаларга эришмоқда. Мавжуд қарздорликлар инвентаризация қилиниб, уларнинг тўланиши таъминланмоқда. Масалан, жорий йилнинг олти ойи давомида банкнинг бўлим ва филиаллари томонидан 34 та бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатилди. Уларнинг ойлик иш ҳақи талаби 747,4 млн. сўмни ташкил қилди ва ушбу маблағ ўз вақтида бериб борилди.

Ҳукуматимизнинг 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан нақд пул тушумларининг ўз вақтида банк хазинасига топширилиши устидан кундалик назорат ўрнатилган. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа йўналишдаги нақд пул тушумларига эга бўлган корхона ва ташкилотларнинг белгиланган режаларини бажарилиши доимий равишда назорат қилиниб, давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда хронометраж, мониторинг ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг айрим турдаги акцизли товарларнинг ишлаб чиқарилиши ва сотилишини ҳисобга олиш тизимини йўлга қўйиш юзасидан 2004 йилнинг 28 июнида қабул қилган қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам диққатга сазовор ишлар бажарилмоқда. Халқ истеъмоли моллари, тамаки ва алкоголли маҳсулотлар билан ноқонуний савдо қилинишига чек қўйиш юзасидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида савдо пули ҳамда нақд пул тушумига эга бўлган 277 та корхона ва ташкилот билан тўлиқ инкассация хизмати шартномалари тузилди. Шундан 195 таси Жиззах бўлимида, 50 таси Пахтакор ва 32 таси Мирзачўл филиалида бўлиб, 6 ой давомида банк кассасига 11725,6 млн. сўм нақд пул кирим қилинди.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР: ҲАР ЖИҲАТДАН ҚУЛАЙ

Тараққиёт ривожланганини сайин одамлар ҳам яшаш тарзларининг янада қулай қилиш йўлларини излашади. Замонавий банк тизимида буни пластик карточкалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунки бундай карточкалар ташиб юриш учун қулайлиги, ишончлилиги ва бошқа кўплаб хусусиятлари билан бугунги кун талабига тўла жавоб бера олади.

Йил сайин юртимизда пластик карточкаларга бўлган эҳтиёж ва ишонч ортиб бормоқда. Биз сўз юритаётган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Жиззах вилоят бўлимида ҳам аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилиш ва пластик карточкалар билан ишлаш бўйича қатор юмушлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида аҳолининг 1219,1 млн. сўмлик бўш пул маблағлари турли хил омонат жамғармаларига жалб қилинди. Шундан аҳолига қулай ва фойдали бўлган "Таътил", "Келажак", "Шифокор", "Ният" каби муддатли омонатларга 769,1 млн. сўм маблағ қабул қилиниб, уларнинг жами омонатлардаги улуши 63 фоизни ташкил қилди.

Банк томонидан 2006 йилнинг 1 июль ҳолатига эмиссия қилинган сўм пластик карточкалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олиб қараганда 10428 тага кўпайиб, уларнинг сони 15805 тани ташкил қилди. Айни пайтда сўм пластик карточкалари эгаларига 2 та банкомат орқали хизмат кўрсатилмоқда. Терминал орқали хизмат қилувчи савдо ва корхоналар сони шу йилнинг 1 июль ҳолатига кўра 39 тани ташкил этди. Ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 тага ортди. Таъкидлаш жоизки, ўтган олти ой мобайнида ана шу савдо-хизмати кўрсатувчи корхоналар томонидан сўм пластик карточкалари орқали 116,9 млн. сўмлик пул маблағи айланиши амалга оширилди. Сўм пластик карточкалари орқали иш ҳақи бериш лойиҳаси сони 1 июль ҳолатига 37 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 тага кўпайди.

ТАДБИРКОРГА ТАЯНЧМИЗ

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Жиззах вилоят бўлими томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг ўтган олти ой мобайнида банк тадбиркорларга жами 1589,1 млн. сўмлик кредитлар ажратди.

Банкнинг бўлим ва филиаллари томонидан ҳозирги кунда 840 та фермер хўжалигига намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Моддий-техника базасини мустаҳкамлаб олиши учун ўтган олти ой давомида 44 та фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиш учун банк ўз маблағлари ҳисобидан 518,6 млн. сўмлик узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратди.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларини бажариш мақсадида банк бўлим ва филиаллари томонидан 58 нафар жисмоний шахсга 37862,0 минг сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Ташқи фаолият миллий банкининг Жиззах вилоят бўлими жамоаси ҳар томонлама қулай ҳамда бугунги кун талабига мос банк хизмати кўрсатиб келмоқда. Шунинг учун ҳам мижозлар ишончи ортиб, уларнинг сафи ҳам тобора кенгайиб бораяпти.

Норқул МАМИРОВ.

Бир эшелон янги трактор

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг «Нукус» шоҳбекати Россия Федерациясининг Волгоград шаҳридан жўнатилган бир эшелон ҳайдов трактори — 120 та «ВТ-150»ни қабул қилиб олди.

Ўтган йили айнан шу русумдаги бизнинг тупроқ-иқлим шароитимизга ўта мос бўлган тракторлардан 115 таси қорақалпоқ фермерларининг хусусий мулкига айланган эди. Ўтган йили эришилган юксак марраларда бу янги техника воситаларининг аҳамияти катта бўлди.

— Ўзбекистон-Россия иттифоқчилик муносабатларининг мустаҳкамланиши бизнинг соҳамизда, техника таъминотида янги босқични бошлаб берди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Машина-трактор парклари бирлашмаси раисининг ўринбосари А.Айитжонов. — Айниқса, Волгоград трактор заводи билан алоқаларимизнинг барқарор йўлга қўйилаётганлиги фермерларимиз учун, аграр шўъба товар ишлаб чиқарувчилари учун улкан имкониятлар эшигини очиб беради!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Икки хил муносабат

Инсонда ғайрат билан дид бир-бирига эш бўлса, кўзлар қувониб, баҳри-дил очиладиган манзаралар бўй кўрсатаркан. Мана сизга мисол: Пойтуғ шаҳарчасининг тангадай офтоб нури тушмайдиган сўлим, роҳатижон боғига ҳар сафар кирганимизда ободончиликни, сарištaликни, бўй таратиб турган гулзорларни кўриб, ҳавасимиз келади. Маҳаллий раҳбарлар агар эътибор қаратмаганларида, бош бўлиб эл-юртни яратувчанликка ундамаганларида бу ерлар шунчалар файзиёб бўлмас эди. Қатор қўйилган сўрилар чойхўрлар-у ошхўрлар билан эртаю кеч банд бўлмасди.

Раҳбарлар кирмаган боғ

Болалар майдончалари, фаввора атрофидаги кичкинтойлар шодлиги, қийқириқларига тўлганини кўришнинг ўзи руҳингизни кўтариб юборади. Боғ тўридаги нақшинкор бино унча-мунча тантаналар саройидан қолишмайди. Уни А. Тиллабоев номли ширкат хўжалигининг қўли гул усталари тиклашган. Қуйирокда эса туманнинг хотира майдони бунёд этилган.

— Бир пайтлар бу жой ташландиқ эди, — хотирлайди Избоскан тумани ҳокимининг ўринбосари Турсунбой Содиқов. — Ҳувиллаб қолган кимсасиз ёзги кинотеатр ўрнида шундай ажойиб мажмуа дунёга келади, деб ўйламагандик. Ҳамма нарса озгина ҳафсала, эътибор, меҳрга боғлиқ экан.

Қани энди бу каби жонкуярлик Жалақудуқ тумани раҳбарларида ҳам бўлса. Мўъжазгина боғ туман ҳокимлиги биносининг рўпарасида. Гавжум маскан. Лекин кўплар кириб-чиқаётган бу гўшага туман раҳбарларининг қадами етмаётган кўринади. Акс ҳолда, гуллар бунчалик ҳафсаласизлик билан экилмас эди. Ундабунда очилганлариям сувсизликдан қовжирамаган бўларди. Сал наридаги бўм-бўш майдонда чириб, қулаб тушган дарахтнинг синиқ танаси кўзга хунук ташланмасди. Бир вақтлар ўрнатилган тунги ёритгичларни созлаб, бедарак йўқолган чироқлар ўрнини тўлдириш ҳеч кимнинг ўй-хаёлига келмаяпти, чоғи. Косасимон ўйингоҳни ўт-ўлан қоплаган. Боғ бошланишидаги маданий-маърифий биноларга яқин орада бирон киши қадам қўймаганини осилган қулфларнинг чанг босганлигидан ҳам билиш мумкин. Спорт майдончаси ташкил этилибдию унутилибди чоғи — бирон зот кўринмайди.

Боғлар болажонларнинг шодонлиги, қийқириқлари, яйраб-яшнашлари билан обод. Кексаларнинг чойхўрликлари, дилкаш суҳбатлари билан файзли. Бу ердачи? На болаларга аталган кўнгилочар ўйингоҳлар бор ва на дам олмоқчи бўлганларга шароит яратилган.

Нима, Пойтуққа ярашган боғ Жалақудуққа ярашмайдими? Бизнингча, ярашади. Бироқ, бунга панжа орасидан қараб турилгани халақит қилаяпти, чамаси.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМИЗДА

ЭЛ-УЛУС НИМА ДЕЙДИ?

(«Ватан чизгилари» туркумидан)

ОФТОБНИ ЕЛКАЛАГАН ЎҒЛОН

Бир пайтлар бу жойлар қоп-қора ер эди. Агар қор ёғиб шамол турса ваҳимали туюларди. Бош-адоғи йўқ қир-адир... Бўри увиллаб, шақол изғирди... Юрагинг орқангга тортиб кетарди.

Кузги шудрингдан сўнг "семириб" қишни ўтказган дала баҳорда, кун пасайиб, "ерга яқинлашгач" яна бир оз жонланади. Бироқ, ҳамон ўша-ўша... То узоққа қадар қип-қизил кесак, қуп-қуруқ ер. О, бу жойни яшнатгунга қадар озмунча меҳнат қилиндими? Жонинг халқумингга келади-я...

Осмоннинг "энкайган қисми" — уфққа урилган даланинг эгаси — Дилшод Исломалиев.

Дилшод ёш. Ҳали ўттизга бормаган. Оҳангарон адирликларидаги бу жойларни ижарага олган. Асли водийлик. Бола-чақасини ҳам кўчириб келган. Мавсум пайти — эрта баҳордан то куз оёқ узатгунга қадар далада бўлишади. Чайла тиклашган. Ўчоқ, тандир қуришган.

Хуллас, шу пайтгача таптақир бўлиб ётган ерда сабзавотнинг жами хилидан, ҳатто болгар қалампир, кўкатларнинг турли хили гуркираб ўсмоқда. Даланинг асосий қисмига кунгабоқар экилган.

Умуман олганда, аввалига бу ерда бирор гиёҳ кўкариши амримаҳол деб ўйлаган одам, кейин денгиздай чайқалган далани кўриб ҳангу-манг бўлади.

Ҳа, бундай бетакрор гўзалликни одам яратди.

Дилшодбой даланинг ичидан чиқмади, ҳар бир қарич ерга эгилди, таъзим қилди, пешонаси терлаб, елкасида офтобни опичлаб ишлади.

Дилшод чайлага электр токи тортиб келтирган. Тунда радио эшитади. Бироқ, ҳар хил енгил-елпи, майда-чуйда қўшиқларни эшитмайди. Мазмунсиз қўшиқларга қўл силтийди, тавба деб қўяди.

У Тошкент Давлат аграр университетида сиртдан сабоқ олади.

Баъзида Ватан, мустақиллик ҳақида кўп гапирамиз... Гапга чиройли қилиб тўн кийдирамиз. Йўқ, Дилшодга ўхшаганлар ундай эмас... улар ўзини иш билан кўрсатади.

Қаранг, кечаги дашт бугун накд хазина. Чўтга солиниб, чамаланаётган даромад ҳам чаккимас. Режа ҳам бажарилади. Ҳар мавсумда Дилшодбой 9-10 миллион сўм фойда олади. Бир оилага етади шу!

Ишламайдиган, ишга бўйни ёр бермайдиган одамга минг гапирма, фойдаси йўқ. Шу, Дилшод тенги йигитларнинг кўпи кўча-куйда тараллабедод қилиб юришади. Ҳатто кафтдеккина томорқаси қақшаб-қуриб ётади. Қарашмайди. Худди ризқ-насибани биров олиб келиб берадигандай, соясалқиндан бери келишмайди. Айримлар аллақайси жойларга бориб, четга чиқиб ишлаб келаман деб, ўзини у ёқ-бу ёққа ураверади. Бироқ ҳамма жойда ҳам тош-тарози борлигини, текин пишлоқ қопқонда бўлишини тан олгилари келмайди.

Баъзи бировлар — юртнинг тузи кўр қилгурлар кимларнингдир алдовига учиб, шу халққа, шу Ватанга қарши тиғ кўтардилар. Бундай ҳолатларнинг бари иймон сустлигидан, енгил-елпи ҳаётга мойилликдан келиб чиқади. Йўқ, бу тахлит нокаслар халқнинг хоҳиш-иродасига қарши боролмайди. Бу халқнинг қанчалаб меҳнаткаш Дилшодлари бор...

Ҳа, содда камтар, камсуқум, меҳнаткаш, онги шуури тоза, ор-номуси топталмаган Дилшод каби ўзбекнинг чинакам ўғлонлари бу заминни, она-тупроқни гулу гўзаликка кўмиб яшайдилар, уни ҳеч бир маҳъунга топтатиб қўйишмайди.

— Ҳар ким қўлидан келадиган ишни сидқидилдан бажарса, фидойилик қилса, мустақиллигимиз мустаҳкамланади. Чунки, мустақиллик бизники, ҳаммамизники, — дейди Дилшод.

ВАТАН НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

Одамзод учун қадрли ва қимматли нарсалар ичида бебаҳоси, ҳеч нарсага алиштириб бўлмайдиган неъмат бу — Ватандир. Инсоннинг хиёнати маълум маънода баҳс-мунозарага сабаб бўлар, кечирилар. Эҳтимол, вазият тақозоси ўлароқ оқланар ҳам. Бу дунёда нималар бўлмайди дейсиз. Бироқ Ватанга хиёнат ҳеч қачон кечирилмайди. Ватанга хиёнат хоинликдир...

...Бу гапларни Менгқобил ака айтди. Менгқобил ака — қишлоқдошимиз. Гурунгни қийиб қўяди. Гаплари ҳам вазмин. Бўлари гапни айтади. Деҳқон бўлсаям, зиёли киши. Ватан ҳақида гапирганида ҳеч қачон сохта сўзламайди. Тилёғламалик қилмайди.

Менгқобил ака айтади:

— Борадиган жойимиз шу тупроқ. Шу тупроқ едирди, ичирди, кийинтирди. Бир куни шу тупроқ бағрига олади. Бу тупроқдан азиз нарсанинг ўзи йўқ...

Қандай? Бўлари гап шу эмасми?

ДУНЁНИ КЎТАРИБ ТУРИШГА ҚОДИР

Бу ҳақда ЎзТВда "Ватан ҳақида ўйлар..." телелавҳасида ҳам айтган эдим. Машҳур шоир Евгений Евтушенко билан телефон орқали суҳбатлашдик. У океан ортида, Оклахома штатида яшарди. Евтушенко юртимиз ҳақида илиқ гапирди. Шу суҳбатни матбуотда чоп этиш фикрини айтдим. У рози бўлиб, ватанимиз ҳақидаги фикрларини қоғозга тушириб факс орқали юбормоқчи бўлди. Шундай қилди ҳам.

"Ўзбекларнинг бағри кенг. Оқибати осмон қадар. Ўзбеклар — зиёли халқ. Меҳмондўст. Менга ўзбеклар ёнғоқ дарахтидан ишланган нақшинкор стол совға қилишган. Бу стол шунчалар бақувват ва мустаҳкамки, у ҳар қандай осмонўпар бинони ҳам кўтариб туролади. Демак, ўзбеклар ишлаган стол нафақат осмонўпар бинолар, балки Европанинг улкан шаҳарларини ҳам кўтариб туролади. Бунда ўзбекларнинг ва ўзбек давлатининг мустаҳкамлиги рамзи бор..."

Ўз юртинг ҳақида ўзгалар ана шундай илиқ гапларни айтса, қалбингдаги ғурур яна ҳам ортар экан.

ЖАВОҲИР ЮРТ

Яна бир ҳаяжонли суҳбат сира ёдимдан чиқмайди. Доврўқли шоир, Худо раҳмат қилгур авар халқининг алп ўғлони Расул Ҳамзатов Ўзбекистонни кавказликларга хос жўмардлик билан таърифлаган эди:

"Ўзбекистон — дунёнинг жавоҳири. Менинг юрагимга энг яқин ўлка. Мен ҳеч бир жойда Ўзбекистондагидай мўъжизага дуч келмаганман. Айни пишиқчилик пайти бу юртга меҳмон бўлиб келсангиз, ўзингизни жаннатга тушгандай ҳис қиласиз. Ҳамма нарса муҳайё. Ўзбек тупроғида бол етилади, асал етилади. Мева-чевасининг лаззатига таъриф йўқ. Ўзбеклар мени кўп сийлашган. Қизиқ, ўзбеклар бутун дунёни меҳр тафти билан илитишга қурби етадиган халқ.

Мен дунёнинг ҳамма шаҳарларида бўлдим. Дунё кездим. Лекин бир шаҳар менинг қалбимда муқим ўрнашиб қолган. У мени ҳаяжонга солган. Бу шаҳар бутун дунёни тинчлик учун чорлаб, оғоҳ этиб, ҳайқириб тургандай, урушга йўл қўйманг, деб бонг ураётгандай. Бу шаҳарнинг номи — Чирчиқ! Ҳа, Чирчиқ. Лондон эмас, Париж эмас, Рим эмас, Нью-Йорк эмас, Чирчиқ. Шу шаҳарни тез-тез бориб кўргим келади.

Чирчиқда оппоқ турналарнинг ҳайкали бор. Бир турна ярадор бўлиб ётибди. Парвозга ҳоли йўқ. Ёнидаги турналар ҳадиг-у хавотирда. Мана шу композиция жангда ўққа учган ярадор аскарларни ёдимга солаверади. Эзгуликка ўқ отаётган бизнинг асримизнинг қабиҳ ва ёвуз кирдикорларини ёдга солади.

Оппоқ турналарга
айланиб қолган.
Жангда ўққа учган
аскарнинг бари...

деган сатрлар билан бошланувчи шеърим ҳам бор. Ҳа, Ўзбекистоннинг мўъжазгина шаҳри Чирчиқ "Оқ турналари" билан дунё шаҳарларининг энг гўзал ва бетакрори бўлиб тарихда қолади..."

Бу буюк шоир Расул Ҳамзатовнинг эътирофи эди.

Орадан бироз вақт ўтиб ардоқли шоирга Чирчиқдаги турналар ҳайкалини суратга олиб жўнатдим. Шоирнинг бу совғадан боши осмонга етибди. Сурат шоирнинг уй-музейидаги энг ноёб буюмлар ичидан жой олибди. Расул оға бу гапларни телефон орқали боғланганимизда айтиб берганди.

Ҳа, шундай! Бу юртнинг ҳар бир қарич ерида мўъжизага дуч келмоқ мумкин.

Фақат биз — бугунги авлодлар бунинг қадрига етишимиз керак, холос.

БУ ЖОЙЛАР БИЗНИКИ

Водийлик дўстимнинг Сурхон воҳаси томон илк бор йўл буриши. Китоб довони бошланиши ҳамон ҳайратини шундай ифодалади: "Ў-ў-ў, довонмисан, довонку. Бунча тик? Булутга бошимиз тегай дейди-я!.." Тоғлар осмонга қадалиб йўл тепасини тўсиб қўйганга ўхшайди худди.

Довонда ажойиб ҳордиқжой бор. Булоқ сувлари отилиб туради. Йўл четидаги сўриларга офтоб тушмайди. Тоғ салқини этни жунжиктиради. Йўлнинг бу четида эса қозоносди. Сўйилиб, териси шилинган қўйлар қанорада осилиб туради. Таъбингизга қараб, у-бу буюрасиз.

Бу ерда таомлар фақат гўштдан тайёрланади. Тандир кабоб, жиз, қовурма ва ҳоказо... Оёқ илдик.

— Ака, жиз берайми? Қовурайми? Тандир гўштдан тортайми?

Ҳа, мулозамат ана шунақа!

Бир кило гўштни қовуртириб урдик. Аччиқ кўк чой ичиб чанқовбосди қилдик. Шеригим айтди:

— Дунёнинг кўп жойида бўлдим. Лекин Ўзбекистоннинг ҳавосидай, тоғларининг гўзаллигидай, мана шундай салқин шамолларидай юртни учратмадим.

Шеригим бу гапларни чин дилдан айтяпти. Самимий. Кайфияти баланд.

— Шукр қилайлик, — дедим, — бу жойлар бизники. Ҳаммамизники, ўзбекистонликларники.

У баланд қояларга қараб турибди. Яна нималардир демоқчи... Ютинди. Кўзида ёш ғилтиллагандай бўлди.

Мен уни тушундим. Нималар ёдига тушаётганини ҳам биламан.

У мен билан афғон урушида ёндошу жондош бўлган дўстим.

— Тинчлик бўлсин, — деди яна ўзига-ўзи шивирлаб.

ТИНЧЛИК ТОНГИ

Тонг чоғи Шероботдан ўтиб, Термизга кириб бордик. Йўлнинг ўнг томонида қалин сим тўсиқ. Чегара. Нариги томони Афғонистон. Ўртада азим Амударё. Ҳамроҳим дарёга кўз тикиб кетяпти. Шаҳарга кираверишда Ҳаким ат Термизий бобомизнинг зиёратгоҳи. Зиёратга чоғланамиз. Ҳафтанинг чоршанба куни. Қадамжода тумонат одам. Уларнинг олислардан келгани афт-ангоридан, кийим-кечагидан сезилиб турибди. Ҳамманинг юзида сокинлик, руҳий покланишнинг жилваси чеҳраларда намоён. Ҳамма бир-бирига азиз, қадрдон.

Бобомиз мақбараларининг ёнидан қарасангиз, Амударё шундоқ кўзга ташланиб турибди. Дарёнинг нариги қирғоғи Афғонистон. Тол, тераклар, тепаликлар...

Хаёлга бир ўй келади. Бизнинг юртдаги тинч-хотиржамликни, сарҳаднинг бу томонидаги осойишталикни авлиё боболаримизнинг руҳи поклари ҳам асраётгандай... Улуғларимиз ҳар қандай бало-қазони тўсиб тургандай.

Бобомиз қабрлари ёнидамиз. Мақбара ичи ҳам одамга лиқ тўла. Оят ўқилгач, дуога қўл очдик. Сўнг нуроний отахон ният қилди:

— Яратган эгам, юртимизда тинчлик-хотиржамлик абадий бўлсин. Фарзандларимизнинг бахт-иқболини бер. Ёмон кунларни кўрмайлик. Тотувлигимизга кўз тегмасин. Эл-юртимиз гуллаб-яшнасин. Ҳаммамизни азиз-авлиёларнинг, Термизий бобомизнинг улуғ руҳи поклари қўлласин. Халқимиз омон-эсон, сиҳат-саломат бўлсин. Худоё-худовандо, ер юзида тинчлик-хотиржамликни барқарор эт....

Амударё тўлқинларига тўш урган она-замин ана шундай эзгу тилаклар билан ҳар тонгни қаршилайди. Юраги, қалби, кўнглини очган одамларнинг ниятларига ҳамоҳанг бўлиб субҳ ели-лари зиёратгоҳда пориллаб очилган гуллар, дов-дарахтларни оҳиста сийпалаб ўтади. Сиз кимнингдир нафасини тутгандайсиз. Ғойибона юртимизнинг улуғ азиз-авлиёлари симосини кўргандай бўласиз.

Зиёратгоҳдан руҳингиз енгил бўлиб қайтасиз.

УЛАР РИЗҚ ЯРАТАДИ

Воҳада иш қизғин. Урҳоур, ғалла! Бобо қуёшнинг нуридан ғаллазор улкан олтин баркашдек товланади. Тилла чанг кўтарилади.

Адоқсиз далалар шовуллайди. Бошоқлар чайқалади. Комбайнлар ризқ-рўз йиғмоқда!

Бир пиёла беминнат чой, тўғрам нон, дала бошидаги тамадди нақадар лаззатли, мана шу қаршингиздаги чанг қўнган, одми кийинган инсонларнинг эса нақадар кўнгли тоза эканлигини ҳис қилганмисиз?

НОНИМИЗ БУТУН БЎЛСИН

Воҳадан хуш кайфиятда қайтдик. Шеригимнинг таассуроти олам жаҳон.

Йўл-йўлакай Каттақўрғондаги чойхоналарнинг бирига тўхтадик.

Аччиқ, кўк чой. Таом. Дастурхон, ширмой нон.

— Шу боннинг ярмини қўйсангиз, — дедим чойхоначига.

У беозор термулди:

— Эй меҳмон, ҳамиша нонингиз бутун бўлсин. Нонни бутун енг. — Кейин қўшиб қўйди: — Илоё, халқимизнинг, нони бутун бўлсин!

Ўша чойхоначининг ниятлари ҳали-ҳануз қулоқларим остида жаранглаб туради.

МУАЛЛИФДАН:

Ўзим дуч келган воқеа-ҳодисалар, ҳаяжонга солган ҳолатларни гоҳида қоғозга тушириб қўядиган одатим бор. Мен буни "чизгилар" деб атайман. Кишиларнинг кўнглидан тўкилган эътирофлар, ўзимни ҳайратга солган манзаралар баъзида у-бу нарса ёзишга асқотиб қоларкан. Ким билсин, бу "чизгилар" бир кун келиб салмоқли битикларга асос бўлар. Ҳозирча эса кишиларнинг бугун кайфиятига сингиган, турли хил воқеа ва қарашларни туташтирган ушбу мақола бўлди.

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Публицистика

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал-юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўлқурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ-хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., Братислава к., 11. Тел.: 151-20-33, 151-20-90, факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Российский линолеум производства ОАО «ЩекиноАзот» г. Тула и славянские обои

тел. 134-48-11, факс 134-49-58.

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарегазсаноатқурилиши» ОАЖ
- «Rubicon Wireless Communication» КК
- «УзДонгВон КО» КК
- «UZEXIDE» КК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Viniad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-42-55, 136-14-09, 154-30-78. Факс: (+99871) 132-20-83. e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad Сделаем жизнь спокойнее!

ADI International Panasonic

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы видеонаблюдения

PELCO J&S DX 8000 SERIES DIGITAL VIDEO RECORDER

НОВЫЕ ПОСТАВКИ!

профессиональное качество по привлекательным ценам

ул. Дружбы народов, 44. Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68. E-mail: viniad@sarkor.uz Web site:www.viniad.com

ISO 9001: 2000

Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи маъмурияти таниқли матншунос олим, филология фанлари доктори

Фатхулла ҒАНИХЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва фарзандларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси фольклор бўлими катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Шомирза Турдимовга акаси

Бекмирза ТУРДИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi» унитар корхонаси жамоаси босмахона директори Мақсуд Холмуҳамедовга волидаи муҳтарамаси

Вазира ая МУЛЛААЛИЕВАнинг

вафоти муносабати билан ўз ҳамдардлигини изҳор қилади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси Самарқанд вилоят минтақавий бўлими бошқарувчиси Илҳом Сувановга отаси

Бўлтак СУВАНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 123456